



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (12.444)

Баҳоси эркин нарҳда



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Айни кунларда Истиқлолимизнинг йигирма икки йиллик тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида диёримизнинг барча ҳудудларида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Куни кеча А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида Истиқлолимизнинг йигирма икки йиллик байрамига бағишланган маданий-маърифий байрам тадбири ўтказилди.

Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги юртимизга қутлуғ қадамлари билан кириб келмоқда. Утган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз исмли қўрилмаган даражада юксалди. Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда оламшумул, улкан ютуқларга эришилди. Кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Карнай-сурнай садолари остида бошланган тадбирга маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, отахон ва онахонлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшлар ташриф буюришди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, йирилганларни яқинлашиб келаётган

мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик қутлуғ тўйи билан муборакбод этишиб, юртимизда Истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотлар, қўлга киритилаётган улкан ютуқлар ва янгиланишлар ҳақида фикр юритишди.

(Давоми 3-бетда)

Хабар қилинганидек, 5 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни давом эттирдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар илгари ўз мажлисларида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаларини кўриб чиққан эдилар.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида мазкур қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Қонун лойиҳаси экологик назоратни амалга оширишда, мамлакатимиз минтақаларида атроф-муҳитни ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги вазиятнинг мониторингини олиб боришда жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини янада оширишга, экологик назоратни амалга ошириш тизимини тақомиллаштиришга ва назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизминини яратишга, бу соҳада экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари, идоравий, ишлаб чиқариш ва экологик назорат хизматларининг ваколатларини ҳамда ушбу соҳада уларнинг ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини белгилашга, экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжати бузилганлиги учун экологик назорат ва жавабгарлиқни таъминлашга доир талабларни белгилашга қаратилган.

ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари кўриб чиқишда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, биринчи навбатда, фуқаролик жамияти институтларининг, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тизимида иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш имконини беради. Ушбу партия депутатларининг фикрича, миллий амалиётга жамоатчилик экологик назорати

институтининг киритилиши мазкур қонун лойиҳасининг асосий ўзига хос ва нобъ жиҳатидир. Фуқаролик жамияти институтлариغا Экоҳаракат билан ҳамкорликда экологик назоратнинг жамоатчилик инспекторлари институтини шакллантиришда ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишда услубий ва ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатлар берилди.

Фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга, фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этишга доир ҳуқуқлари мустаҳкамланмоқда.

ЎзЛиДеП фракцияси қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

ЎзХДП фракцияси депутатлари эътироф этганидек, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳол-муҳитни муҳофаза қилишнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнига кенгроқ жалб қилишга қўмаклашди.

Шу муносабат билан экологик назоратни амалга оширишда, атроф-муҳитни ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида мамлакат минтақаларидаги вазият мониторингини олиб боришда жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини янада оширишни таъминлаш, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизминини яратиб, давлат органлари, экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари, идоравий, ишлаб чиқариш ва экологик назорат хизматларининг ваколатларини ҳамда уларнинг ушбу соҳада ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини белгилаш долзарб масала, деб таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат кон-серваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови-

нинг олий таълим муассасалари-риаро якуний босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** «Тошшаҳартранс-хизмат» уюшмасига қарашли «Транспортчи авлод» соғлом-

лаштириш оромгоҳида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» мавзуида маданий-маърифий, спорт тадбири ташкил этилади.

Эътироф

**«ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИГА ХОС
МАДАНИЯТГА, БЕҚИЁС,
КЎҲНА ВА ЗАМОНАВИЙ
МЕЪМОРЧИЛИККА ЭГА
БЎЛГАН АЖИБ БИР
МАМЛАКАТДИР»**

Версаль Олий миллий меъморчилик мактабида ушбу ўқув муассасаси талабаларининг ўзаро алмашув дастури доирасида Ўзбекистонга уюштирилган сафар якунлари бўйича амалга оширилган ишларнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда Олий миллий меъморчилик мактаби ўқитувчилари ва талабалари ҳамда Версаль шаҳри маъмуриятининг вакиллари қатнашди.

Маълумот тариқасида айтиш жоизки, ҳар йили франциялик бўлажак архитекторларнинг юртимиз меъморчилиги ва замонавий шаҳарсозлик санъати сирларини ўрганиш мақсадида Версальдан Ўзбекистонга сафар уюштириши яхши анъанага айланган. Ўз навбатида, Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабалари ҳам ҳар йили Франция меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш учун ушбу мамлакатга боришади. Бу икки олий ўқув юрти ўртасидаги ўзаро сермахсул академик алоқалар 2009 йили имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида тобора ривожланиб бормоқда.

Тақдиротнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Версаль Олий миллий меъморчилик мактаби ректори Винсент Мишель талабалар ва ўқитувчилар алмашуви шаклида ҳаётга татбиқ этилаётган бундай ўқув амалиёти Ўзбекистон — Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликнинг ҳамда маданий-гуманитар муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

У франциялик талабалар томонидан эътиборга сазовор диплом ишлари тақдим этилгани хусусида тўхталиб, улар ҳар икки мамлакат ўқитувчилари раҳбарлигида тайёрланганини қайд этди. «Мазкур диплом ишлари ўзбек маҳалласи ва кўп қаватли уй-жой мажмуаларининг ландшафт дизайни, анъанавий қурилиши, шунингдек, фойдаланишдан чиқарилган саноат иншоотларини зарурий ижтимоий объектларга айлантириш масалалари бўйича олиб борилган кўшма тадқиқотларнинг махсулидир» деди у.

— Ўзбекистоннинг Хива, Бухоро, Самарқанд ва бошқа тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатни ўз ичига олган сафаримиз менда унутилмас таассуротлар қолдирди, — деди Олий миллий меъморчилик мактабининг Ўзбекистонда бўлиб қайтган 4-босқич талабаси Анна-Лаура Фарсен «Жаҳон ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида. — Биз икки ҳафта мобайнида Тошкентда ўзбекистонлик тенгдошларимиз билан билги ишладик. Тошкент экологик жиҳатдан тоза ва шаҳар аҳолининг меҳмондўстлиги билан хорижликларни жалб қиладиган ажойиб замонавий шаҳар экан. Шунингдек, буюк Амир Темур таваллуд тогган Шахрисабзга саёҳат ҳам барчанинг ёдида сақланиши, шубҳасиз. Ўзбекистон замидаги ЮНЕСКО Бутун жаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган тарихий марказлар билан танишув ихтисослаштирилган олий ўқув юрти талабалари сифатида биз учун ниҳоятда қизиқарли бўлди. Биз Ургут тоғларини, бетакор манзараларни завқ билан томоша қилиб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашдик. Ўзбекистон ўзига хос маданиятга, беқиёс, кўҳна ва замонавий меъморчиликка эга бўлган ажиб бир мамлакатдир.

«Жаҳон» АА.
Париж



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «BankExpo — 2013» кўргазмаси ташкил этилди. Тадбир якунида тижорат банклари томонидан тадбиркорлар, фермерлар ва коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

• Учқудук туманидаги «Ayoka text» масъулияти чекланган жамиятида пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун 220 минг АҚШ долларилек маблағ сарфланиб, хориждан илғор ускуналар харид қилинди. Натижада корхонада 40 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

• Нукус шаҳрида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Шу куни касб-хунар коллежларини битирган 50 нафарга яқин ёш мутахассис муайян меҳнат жамоаларидан ўз иш ўрнини топди. Тадбир давомида фуқаролар меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тегишли жавоблар олди.

• Наманган вилояти Чортоқ тумани Гулшан қишлоғида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ягона юлдуз текстиль» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Янги корхона раҳбари Зийнатхон Алиева хотин-қизлар учун яратилаётган улкан имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорлардан бири. У ташкил этган ушбу янги корхонада 150 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг 36 нафари — касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

ЖАҲОНДА

• Интерполнинг Марказий Америка ва Кариб ороллари мамлакатларида маҳаллий полиция билан ҳамкорликда амалга оширган махсус операцияси чоғида 822 миллион АҚШ долларилек 30 тоннадан ортиқ гиёҳванд моддалар мусодара қилинди. Махсус тадбир пайтида 142 киши ҳибсга олинди, шунингдек, ноқонуний юкларни турли манзилларга элтиш учун мўлжалланган 15 та қайиқ ҳам мусодара этилди.

• Жанубий Корея ва КХДР расмий вакиллариининг икки кунлик музокаралари натижасида Кэсондаги саноат комплекси фаолиятининг қайта тикланиши тўғрисидаги келишувга эришилди.

• Канаданиннг Квебек музофотида нефть маҳсулотлари ортилган юк поезди издан чиқиб кетган. Ушбу темир йўл ҳалокати натижасида цистерналардаги нефть маҳсулотлари ёниб кетган. Маълумотларга кўра, ёнғин чоғида бир неча портлашлар рўй берган. Жабрланганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ
ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2013 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти яқунлари ва иккинчи ярим йилликда белгиланган режалар, шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб тайёргарлик кўришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси И.Мирзаалиев ҳисобот доирасида Жамоатчилик кенгаши томонидан Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги қарориди белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Мазкур ҳужжатда Жамоатчилик кенгаши мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятида очик-ошкораликни таъминлаш, фуқаролар ва жамоатчиликнинг мудофаа соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини кенгайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ҳарбий хизматни ўтаётган ва армия сафига қақриллаётган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши алоҳида қайд этилган.

Жамоатчилик кенгаши ҳузурида бешта комиссия ташкил этилган. Биринчи комиссия мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий масалалари юзасидан жамоатчилик фикри мониторингини юритади ва уни чуқур таҳлил қилади. Шу асосда соҳани такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар билдиради. Кейинги комиссия соҳага тааллуқли айрим мезърий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши. Учинчи комиссия эса ҳарбий хизматчилар ва захирага бўшатишган фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланади. Тўртинчи комиссия маданий-маърифий, ҳарбий-спорт тадбирларини ташкил қилиш, бешинчи комиссия оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотларни кенг ёритиш, миллий армиямиз обрў-эътиборини оширишга ёрдам беради.

Кенгайтирилган йиғилишда Жамоатчилик кенгаши комиссиялари раҳбар ва аъзоларининг жорий йил олти ойи мобайнида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда ижодкорлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, уларни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси билан таништириш, фойдали дам олишини ташкил қилишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, ўнлаб учрашувларда Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳарбийларнинг хизмат шaroитлари, ўзи ва оила аъзоларининг яшаш ҳамда дам олиш шaroитлари билан танишди. Бугун олдиндаги муқаддас бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик муСОБАқаларини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Жамоатчилик кенгашининг 2013 йил иккинчи ярим йилликдаги асосий вазифалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш ишлари белгилаб олинди.

**Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ**

Республикаимизда амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон олий қадрият ҳисобланган эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки муҳим ўрин тутати.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим аҳамият касб этади. Асосий Қонунимиз фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш беришга оид тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган.

Барчамизга маълумки, жорий йил давлатимиз раҳбари тақлифи билан мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди. Шунингдек, 14 февралда Президентимизнинг «Обод турмуш йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

8 бўлим ва 86 банддан иборат мазкур Давлат дастурида жорий йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётидаги муҳим йўналишлар қамраб олинган. Ўтган йиллар тахрибаси шунини кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муайян даврда бажарилиши белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш имконини беради. Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш таъминлаш, жамият ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

Маҳалла — халқ ишончини қозонган, аҳоли қўллаб-қувватлайдиган адолатли тизим бўлиб, юртимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим асосларидан ҳисобланади. Шу боис 2013 йилги Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайти-

риш, маҳаллаларни ободонлаштириш ҳамда кўламазорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган.

Ўтган йиллар давомида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида маҳалланинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи юксалди.

Ҳозирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 минг-

шериклик ҳамкорлигининг бир кўриниши бўлиб, бунда субъектлар ўзаро тенг муносабатга киришди, яъни улар бир хил ҳуқуқий мақомга эга бўладилар.

Юртимизда ижтимоий шерикликни қарор топтиришда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш демократик тараққиёт талаби саналади.

Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш бўйича тақлифлар берилиб, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек,

унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Концепция доирасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, энг аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган.

Бугун ҳаётнинг ўзи маҳаллани янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, у жамият учун нуфузли ва ишончли таянч бўлиб хизмат қилиши керак. Маҳаллаларнинг ёш авлодни баркамол инсон сифатида вояга етказиш, вояга етмаганлар ўртасида назорат-сиёсийликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, аҳоли бандлигини таъминлашда бошқарув органлари билан елкадош бўлиб фаолият юритиши талаб этилади. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси мамлакатимизда том маънодаги кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва аҳолининг обод турмушига хизмат қилади.

**Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги тармоққа оид, шу жумладан идоравий қонун ҳужжатларининг асоси бўлиши лозим бўлган экологик назоратнинг асосий мақсадлари белгиланганлиги, экологик назоратни амалга оширишнинг аниқ процессуал механизми, уни ташкил этиш тартиби, экологик назорат натижаларини расмийлаштириш шакллари ва усуллари белгиланганлиги айтиб ўтилди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қўллаб-қувватлаган ҳолда ЎзДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳаси мамлакатда олиб борилаётган табиати асрашга қаратилган кенг қўламли ишлар самардорлигини оширишга, самарали экологик назоратни амалга оширишда, атроф-муҳитни ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги энг муҳим кенг қўламли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтиришга қўмаклашишни қайд этди.

Табиатда, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, бугунги ва келгуси авлод манфаатлари йўлида улардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлашга қўмаклашиш, миллат саломатлиги ва генофондини ҳимоя қилиш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фаолиятининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоларининг алоҳида таъкидлашча, қонун лойиҳасида давлат, идоравий ишлаб чиқариш ва жамоатчилик каби экологик назорат турлари, уларни амалга ошириш тартиби ва усуллари, экологик назоратнинг тегишли турлари натижасини амалга ошириш ва расмийлаштириш шакли, экологик назорат субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланганлиги, махсус ваколатга эга бўлган давлат органларининг ваколатлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тартибга солинган. Шунингдек, жамоатчилик экологик назорати институтининг мамлакатимизда амалиётга татбиқ этилиши ушбу қонун лойиҳасининг ўзига хос новб жихати ҳисобланади. Бунда жамоатчилик экологик назорати субъектларига фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар бириктирилади.

Фракция аъзоларининг фикрича, мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш кўп жихатдан атроф-муҳитга ва фуқаролар соғлиғига кўрсатиладиган илгари салбий таъсирнинг эрта олдини олиш бўйича йўлга қўйилган тизим, шунингдек, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар еттиши хавфини бартафар этиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриш, мамлакат экологик қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқлаштиришга боғлиқ.

Шу муносабат билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси ушбу қонун лойиҳаси ўз вақтида ишлаб чиқилганлигини таъкидлади ва уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталарининг кўнра мажлисида давлат раҳбарининг, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгиланганлиги, экологик назорат тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ташаббуси долзарблигини ва ўз вақтидалигини қайд этди.

Қонун лойиҳасида экологик назорат соҳасида тартибга солиш ва бошқариш, давлат органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик назорат соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, инсоннинг экологик ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари асосий фаолият йўналишлари қаторида белгиланганлиги, экологик назоратни амалга ошириш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг ваколатлари тартибга солинганлиги, жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби, уни рўйбга чиқариш шакллари ва усуллари белгиланганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилишни тақлиф қилди.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи турли соҳалардаги табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солишчи амалдаги қонун ҳужжатларида экологик назоратни амалга оширишнинг умумий қоидаларига мустаҳкамланганлигини қайд этди. Табиатни муҳофаза қилишга доир амалдаги қонун ҳужжати экологик назоратни асосан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ваколатига киритади, у фуқаролик жамияти институтларининг ушбу фаолиятдаги фаол иштирокини самарали механизмларини ўз ичига олган. Шу билан бирга, аҳоли яшashi учун қўлай экологик шарт-шaroитлар яратиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилмай туриб, самарали ҳал этиб бўлмайди.

Депутатлар гуруҳи аъзолари ушбу қонунни қабул қилиш муҳимлигини қайд этган ҳолда, қонун лойиҳасида юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатида риоя қилиниши кузатиш, фуқароларнинг атроф-муҳит ва табиий ресурсларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга доир ишларни амалга ошириш бўйича ваколатларга эга бўлган экологик назоратнинг жамоатчилик инспекторлари институти жорий этиш тақлиф этилаётганлиги, бу эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштириш ишида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишини ҳар тарафлама кучайтиришга доир дастурий вазифаларига мувофиқ келишини таъкидлади. Бундай жамоатчилик инспекторлари институти АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси каби чет эл давлатларининг табиатни муҳофаза қилишга доир амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шу муносабат билан «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган табиатни муҳофаза қилиш борасидаги кенг қўламли ишлар самардорлигини оширишга, самарали экологик назоратни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини кучайтиришга қўмаклашади.

Умуман олганда, депутатлар жамиятимизнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни амалда рўйбга чиқаришнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати**

2013 йил — Обод турмуш йили
ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН
БОШЛАНАДИ

га яқин фуқаролар йиғини илгари маҳаллий давлат ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари ҳисобланган 30 дан ортиқ ваколатни бажармоқда. Маҳалла ўтган давр ичида аҳоли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш марказига айланди. Унинг ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, касаначиликни ривожлантириш, жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби кенг қамровли фаолият юритаётгани мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим ўрин тутати.

Маълумки, давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол иштирокини тақозо этади.

Шу маънода, маҳаллалар ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик асосида фаолият юритиб келаётди. Маълумки, ижтимоий

САМАРАЛИ
ИЗЛАНИШЛАР

Кейинги пайтларда «Шаҳарларнинг ландшафт архитектураси», «Ландшафт дизайнерлиги» деган иборалар тез-тез тилга олинмоқда. Зеро, бу гўзал архитектура кўринишлари бугунги кунда шаҳарсозлик тақомилида катта ўрин тутмоқда.

Тошкент Архитектура ва қурилиш институти «Архитектура ва шаҳарсозлик» кафедраси олимларининг ана шу йўналишда олиб бораётган изланишлари ҳам эътиборни ўзига тартади. Соҳа мутахассислари иштирокида ландшафт архитектураси бўйича ташкил этилган ижодий гуруҳ ҳам шаҳар ландшафт кўриниши архитектурасини тайёрлашга яқиндан бош қўшмоқда.

Бу янги йўналишдаги ишда шаҳар экологияси, унинг табиати ва қўламлироқлаштириш қиёфасини такомиллаштириш мавзусига ҳам қўл урилди.

Шунингдек, ландшафт архитектураси дизайни бўйича янги йўналишда иқтидорли талабалар ҳам иштирок этиб, самарали натижаларга эришилди.

Ботир АЛИЕВ

АҲОЛИНИ ИЖТимоий ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши Юнусобод тумани бўлими, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Юнусобод туман бўлими билан ҳамкорликда «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш партиянинг устувор вазифаларидан бири» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад бугунги кунда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини юқори даражага кўтаришни амалга ошириш чора-тадбирларига риоя этишдан иборатдир.

— Юртимизда Президентимиз ва ҳукуматимиз ташаббуси билан ҳар қандай таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган изчил ижтимоий сиёсат олиб боришмоқда, — дейди Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Юнусобод туман бўлими бошлиғи Дилфуза Ғофурова. — Бугунги кунга келиб, пенсия жамғармаси Юнусобод туман бўлимида 40591 нафар пенсия ва нафақа олувчилар ҳисобга олинган бўлиб, ҳар йили ўрта ҳисобда 2678 нафар фуқароларга янги пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинланади. Бўлимнинг 22 нафар ходимлари томонидан уларга пенсия таъминоти борасида хизмат кўрсатиб келинмоқда. Кейинги пайтларда пенсионерларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш борасида ҳам талабига ишлар бажаришнинг мазмун-моҳияти билан таъкидлай оламиз. Бўлим биноси тубдан капитал таъмирланди, тўлиқ янги технологик ускуналар билан қайта жиҳозланди, қабулга келган фуқароларга барча қўлайликлар ва зарурий шарт-шaroитлар яратилди.

Мутахассисларимизнинг билим-савиясини ошириш, пенсия тайинлаш ва тўлашда хато-камчиликларга йўл қўймаслик ҳамда ногиронлар ва пенсия ёшидаги фуқаролар билан муомала маданиятини юксалтириш борасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Бошқарманинг малакали мутахассислари ҳамда университетлардан жалб қилинган психолог-ўқитувчилар иштирокида ҳар ҳафтанинг шанба кунлари олиб борилаётган ўқув-семинарлар, ўқув машғулотлари ва ташкил этилаётган турли тренинглар ўз ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, биринчи навбатда малакали мутахассислар тайёрланмоқда, иккинчидан бўлим ходимларининг ўз касбига меҳри ортмоқда, бўлимга янги муҳит кириб келишига туртки бўлмоқда.

— Бугунги кунда ҳам пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим қисми ҳисобланади, — дейди ЎзМТДП Юнусобод туман Кенгаши раиси ўринбосари Абдужаббор Ачилов. — Бу тизим меҳнатга лаёқатсиз ва кам таъминланган фуқароларнинг ҳаёт даражасини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий характерга эга бўлган чоралар мажмуини амалга оширишни назарда тутати.

Шунингдек, маърузачи жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ҳақида, уларнинг бугунги кундаги давлатимиз бошқарувида нечоғли аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Зарина РУСТАМОВА



ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Кувноқ» стартаплар, «Сен «Камолот»ни биласанми?», «Камолот» шахмат тахтаси, «Ёш мусаввирлар», «Ёш наққошлар», «Расмларда Ватан тимсоли», «Бахтиёр оила — обод турмуш гарови» мавзuida ўнга яқин тадбирлар ташкил қилинди.

Халқ севган таниқли санъаткорлар, ёш эстрада хонадалари, болалар ашула ва рақс ансамбллари иштирокчилари ихросида янраган дилрабо куй ва қўшиқлар барчага бирдай манзур бўлди. «Турон» яккакураши, «Ўзбек жанг санъати», бадий гимнастика спорт усталарининг чиқишлари, театрлаштирилган байрам томошаси ҳам йилгиланлар эътиборига ҳавола қилинди.

Шунингдек, тадбирда академик лицей ва касб-хунар коллежлари иқтидорли ёшларининг кўргазмалари ҳам уюштирилди, ёш рассомларнинг энг сара асарлари намойиш қилинди. Бундан ташқари «Камолот» ЁИХ Учтепа, Чилонзор, Мирзо Улугбек, Олмазор, Ҳамза, Юнусобод туман Кенгашилари қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари

марказ»ларининг ижодий кўргазмалари ташкиллаштирилиб, ўқувчилар томонидан тўқувчилик, тикувчилик, пазандалик, кулолчилик ва спорт йўналишларида маҳорат дарслари уюштирилди.

Биз айрим тадбир иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини қозғога туширдик:

— Пойтахтимизнинг кўркам ва сўлим масканларидан бири бўлган ушбу гўзал богда ташкил этилган тадбирда туманимиз ёшлари мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишланган тўқувчилик йўналишидаги ижодий ишлари билан фаол иштирок этди, — дейди «Камолот» ЁИХ Учтепа туман Кенгаши раиси Райхон Урмонова. — Бу тадбир барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Аънавий равишда ўтказиб келинаётган истиқлол байрами ёшларимизни бирликка, ҳамқадам ва ҳамкорликка чорлайди. Ниятимиз шуки, обод ва озод юртимизнинг ҳар бир кунини байрамдай ўтсин.

— Тадбирда миллий ва замонавий либосларга бисер мунчоқлар тикиш ишларим билан қатнашмоқдман, — дейди Чилонзор туманидан ташриф буюрган 19 ёшли Зебунисо Аҳмедова. — Ана шун-



дай юқори савияда ташкил этилган байрам кечасида кўнгилларни ёзиш билан бирга турли касб-хунарга эга иқтидорли ёшлар билан танишиш имконига ҳам мушарраф бўлдик. Асосийси, бу байрам ёшларни янада бирлаштиради.

— Мен байрам тантанасида «Камолот шахмат тахтаси»да ўз маҳорат машқларимни тенгдошларим билан ўртоқлаган ҳолда ўтказмоқдман, — дейди 6 ёшли Осиё чемпиони Исролбек Синдиров. — Мустақиллик туфайли чемпион деган юксак номга сазовор бўлдим.

Тадбир доирасида «Камолот» ЁИХ томонидан «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ташкил қилинди.

Шунингдек, байрам тадбирида спорт мусобақалари ғолиблари ва фаол иштирок этган ёшларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Юнусобод туманидаги 274-сонли мактаб қошида «Юлдузча» номли болалар ёзги оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда.

Таътил давомида оромгоҳда 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган 560 нафар ўғил-қизларни дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

Оромгоҳда Д. Ходжаева, С. Ҳикматуллаева, З. Ҳақимова, С. Халилова, М. Қамбаров, Н. Жалилова, Д. Мўминова каби кўплаб жонқуяр, ташаббускор тарбиячи устозлар фаолият олиб бормоқда.

Мактаб кутубхонасида 2068 та бадий китоблар бор. Шу билан бирга кутубхонада «Эртақлар — яхшиликка етаклар», «Обод турмуш йили», «Ёз — ўтмоқда соз», «Чет тилини ўрганимиз» мавзuida бир қатор кўргазмалар уюштирилди.

Шунингдек, дам олиш масканида «Биз баркамол ёшларимиз», «Соғ танда — соғлом ақл», «Кувноқ усталар мамлакатига сабаҳат», «Ўзбек халқининг урф-одатлари, маросим ва байрамлари, миллий халқ ўйинлари», «Ораста қизлар» каби тадбирлар ва ўйинлар ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг бўш вақтларини янада мазмунли ўтказиш мақсадида оромгоҳ қошида турли хил тўғараклар ташкил этилган. Яқинда бу ерда Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ва Шукр Қурбон билан ижодий учрашув уюштирилди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларидаги тақлиф этади!

2013 йил 13 август кунини соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларида қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

I. Юнусобод туман СИБ томонидан 2011 йил 5 июлдаги 19107-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ҲА МХХ ҳудудда сакланган, 2000 йилда и/ч дав. бел. 20 AG 821 бўлган «Опел-Вектра» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 820 000 сўм. II. Микробод туман СИБ томонидан, «Space Arsenal Service» МЧЖ да сакланган, 1. 2013 йил 17 майдиги 14106/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 D 144 EA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 007 376 сўм. 2. 2013 йил 12 июндаги 17330/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 O 479 NA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 400 000 сўм. 3. 2013 йил 12 июндаги 17325/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 T 963 FA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 400 000 сўм. 4. 2013 йил 13 майдиги 13969/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 A 637 KA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 500 000 сўм. 5. 2013 йил 13 майдиги 13967/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда и/ч дав. бел. 01 G 992 DA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 600 000 сўм. 6. 2013 йил 17 апрелдаги 10574/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 U 970 DA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 500 000 сўм. 7. 2013 йил 28 майдиги 14470/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 U 891 BA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 8. 2013 йил 13 майдиги 13968/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Z 343 AA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 600 000 сўм. 9. 2013 йил 17 апрелдаги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда и/ч дав. бел. 10 F 2849 бўлган «Тик» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 489 200 сўм. 10. 2013 йил 13 майдиги 13966/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ Тошкент вилояти бошқармасида сакланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. рақамсиз бўлган «Спарк 1» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 399 100 сўм. III. Яқасарой туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 21 августдаги 1219/13285-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Юкмули касалиқлар шифохонаси» ҳудудига сакланган, 9 турдаги 20 донга салқин ичимликларни буттиқларга қўйиш учун мўлжалланган технология линияси. Бошланғич нархи 500 000 000 сўм. 2. 2013 йил 5 апрелдаги 1-388/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Яқасарой тумани, Жамбул кўчаси, 31/2/4-уйда сакланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 U 977 NA бўлган «Hyundai Sonata» русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилган. Бошланғич нархи 42 122 000 сўм.

2013 йил 30 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларида қуйидаги мулклар такронан қўйилмоқда:

I. Юнусобод туман СИБ томонидан 2013 йил 14 мартдаги 5963-94/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1. Сиб-зор жарима майдончасида сакланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 594 TBA бўлган «ГАСПГ ГАЗ-322132-220» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 36 500 000 сўм. 2. АТИБ «Ипотек» банк Ҳамза филиали ҳовлисида сакланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 592 TBA бўлган «ГАСПГ ГАЗ-322132-220» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 36 750 000 сўм. 3. АТИБ «Ипотек» банк Ҳамза филиали ҳовлисида сакланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 593 TBA бўлган «ГАСПГ ГАЗ-322132-220» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 000 000 сўм. 4. АТИБ «Ипотек» банк Ҳамза филиали ҳовлисида сакланган, 1997 йилда и/ч дав. бел. 01 K 437 NA бўлган «ГАСПГ ГАЗ-2705» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 877 000 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, Файзли кўчаси, 3-уйда сакланган: 1. 2008 йилда и/ч дав. бел. M 7727 бўлган «БМВ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 988 385 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 754 MAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 186 071,50 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BJ 015 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 972 513,55 сўм. 4. 2001 йилда и/ч дав. бел. 10 AG 777 бўлган «Мерседес-Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 58 558 635 сўм. 5. 1982 йилда и/ч дав. бел. 01 041 TAA бўлган «Зил 138 АТ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 510 042,20 сўм. 6. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 015 RAA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 35 062 168,05 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, ШТН 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ишқорчилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита қийиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Зангиота тумани СИБ томонидан: 1. № 407/11-сонли ижро варақасига асосан «М-2140» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 1 103 400 сўм. 2. № 5343/11-сонли ижро варақасига асосан 1989 й. и.ч. «М-412 И» д.р. 11 A 4471. Бошланғич баҳоси — 611 496 сўм. 3. № 12445/11-сонли ижро варақасига асосан «УАЗ-2206» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 1 229 531 сўм. 4. № 40506-сонли ижро варақасига асосан 1985 й. и.ч. «УАЗ-469» д.р. 11 O 6428. Бошланғич баҳоси — 1 195 200 сўм. 5. № 10/12-сонли ижро варақасига асосан 1980 й. и.ч. «ГАЗ-24» д.р. 10 G 9830. Бошланғич баҳоси — 348 300 сўм. 6. № 2525/12-сонли ижро варақасига асосан «ГАЗ-2401» д.р. U 5982 ТШ. Бошланғич баҳоси — 653 400 сўм. 7. № 7279/8-сонли ижро варақасига асосан 1990 й. и.ч. «Мерседесбенц» д.р. 11 O 4482. Бошланғич баҳоси — 7 290 000 сўм. 8. № 6688/9-сонли ижро варақасига асосан 1980 й. и.ч. «УАЗ-452» д.р. 11 Q 0474. Бошланғич баҳоси — 1 253 946 сўм. 9. № 6703/9-сонли ижро варақасига асосан 1975 й. и.ч. «УАЗ-469» д.р. 11 Q 2417. Бошланғич баҳоси — 323 542 сўм. 10. № 6704/9-сонли ижро варақасига асосан 1988 й. и.ч. «УАЗ-3151201» д.р. 11 X 1022. Бошланғич баҳоси — 226 996 сўм. 11. № 7056/9-сонли ижро варақасига асосан 1986 й. и.ч. «УАЗ-396201» д.р. 30 C 8069. Бошланғич баҳоси — 1 240 341 сўм. 12. № 7180/9-сонли ижро варақасига асосан 1987 й. и.ч. «УАЗ-3151201» д.р. 11 W 7108. Бошланғич баҳоси — 645 441 сўм. 13. № 7523/9-сонли ижро варақасига асосан 1977 й. и.ч. «ВАЗ 2102» д.р. 11 O 1082. Бошланғич баҳоси — 345 330 сўм. 14. № 7948/9-сонли ижро варақасига асосан 1989 й. и.ч. «ЗАЗ-968 М» д.р. J 1898 ТШ. Бошланғич баҳоси — 57 379 сўм. 15. № 9282-сонли ижро варақасига асосан 1986 й. и.ч. «ЗАЗ-968 М» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 112 171 сўм. 16. № 6074/9-сонли ижро варақасига асосан 1988 й. и.ч. «ГАЗ 24» д.р. 11 Z 7995. Бошланғич баҳоси — 512 210 сўм. 17. № 6529/9-сонли ижро варақасига асосан 1976 й. и.ч. «УАЗ-452» д.р. 11 U 4315. Бошланғич баҳоси — 760 223 сўм. Зангиота тумани, «Кўк-Терак Матлубот Инвест» МЧЖ омборхонасида сакланмоқда. 18. № 14426-сонли ижро варақасига асосан 1982 й. и.ч. «ГАЗ-2401» д.р. 11 X 0861. Бошланғич баҳоси — 1 152 272 сўм. 19. № 421/11-сонли ижро варақасига асосан 1988 й. и.ч. «М-412» д.р. 10 O 160 AA. Бошланғич баҳоси — 941 044 сўм. 20. № 6585/9-сонли ижро варақасига асосан 1982 й. и.ч. «Камаз-5320» д.р. 30 K 7639. Бошланғич баҳоси — 13 019 387 сўм. 21. № 5813/8-сонли ижро варақасига асосан 1979 й. и.ч. «УАЗ-452» д.р. 11 L 2019. Бошланғич баҳоси — 215 229 сўм. 22. № 7717/8-сонли ижро варақасига асосан 1979 й. и.ч. «УАЗ-452» д.р. 11 L 1125. Бошланғич баҳоси — 379 704 сўм. 23. № 3497/9-сонли ижро варақасига асосан «УАЗ-3151201» д.р. 12 F 0723. Бошланғич баҳоси — 678 056 сўм. Зангиота тумани, «Нурафшон Бизнес Савдо» ХСМЧК омборхонасида сакланмоқда. 24. № 8926/9-сонли ижро варақасига асосан 1992 й. и.ч. «ИЖ-21251» д.р. 11 N 0389. Бошланғич баҳоси — 351 126 сўм. 25. № 8927/9-сонли ижро варақасига асосан 1983 й. и.ч. «УАЗ-452» д.р. 30 U 9298. Бошланғич баҳоси — 651 926 сўм. 26. № 18712/11-сонли ижро варақасига асосан «ВАЗ 2101» д.р. 10 U 3505. Бошланғич баҳоси — 1 396 181 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧЖ омборхонасида сакланмоқда. 27. № 13798/10-сонли ижро варақасига асосан 1982 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 11 P 0041. Бошланғич баҳоси — 620 036 сўм. 28. № 13799/10-сонли ижро варақасига асосан 1983 й. и.ч. «ГАЗ 2410» д.р. 10 L 519 AA. Бошланғич баҳоси — 914 926 сўм. 29. № 14351/10-сонли ижро варақасига асосан 1989 й. и.ч. «УАЗ-3962» д.р. 11 L 6497. Бошланғич баҳоси — 1 154 290 сўм. 30. № 14358/10-сонли ижро варақасига асосан 1979 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 11 L 9349. Бошланғич баҳоси — 561 733 сўм. 31. № 14361/10-сонли ижро варақасига асосан 1988 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 11 Q 0010. Бошланғич баҳоси — 653 672 сўм. 32. № 848/11-сонли ижро варақасига асосан 1970 й. и.ч. «УАЗ-452» д.р. 11 L 0542. Бошланғич баҳоси — 998 814 сўм. 33. № 851/11-сонли ижро варақасига асосан 1990 й. и.ч. «ГАЗ 24» д.р. 1 X 1806. Бошланғич баҳоси — 1 163 856 сўм. 34. № 858/11-сонли ижро

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишига эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига биноан болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида мазмунли дам олдиришни ташкил этиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Ёз — 2013»

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Хусусан, ёзги соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбатида Тошкент шаҳар корхоналари, ташкилотлари тасарруфидаги стационар бўлим оромгоҳларда 6704 нафар бола, шу жумладан, Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг 1220 нафар фарзанди соғломлаштирилди.

Оромгоҳларда болаларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шартнослар яратилган. Улар моҳир кўллар тўғрақларида ўзларини қизиқтирган машғулотлар, спорт майдончаларида спорт турлари билан шуғулланишди, кутубхонада китобларни севиб ўқиш, билимларини оширдилар. «Гулбаҳор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олган жажжи болаларнинг пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, истироҳат боғлари ҳамда ҳайвонот боғига саёҳатлари уюштирилди.

Бўстонлик туманининг сўлим тоғ ёнбағрида жойлашган «Гўнча», «Белдирсой», «Нурафшон» ҳамда Учтепа туманидаги «Гулбаҳор» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли ҳордиқ чиқарган 500 нафар қорақалпоғистонлик болалар кузатиб қўйилди.

Фурсатдан фойдаланиб, келажакимиз эгаларининг айримларини сўхбатга тордик:

Манзура Жуманиёзова, Тўрткўл туманидаги 5-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси, тарбиячи.

— «Белдирсой» соғломлаштириш оромгоҳида болалар мазза қилиб дам олишди. Улар, айниқса, мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқаришгани учун ташкилотчилардан беҳад миннатдор бўлди. Буни уларнинг юз-кўзларидидаги қувончдан ҳам кўриш мумкин.

Неъматулла Раҳматуллаев, Нукус шаҳридаги 38-мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

— Таассуротларим бир олам. Мазза қилиб ярайдики. Бу ерда кўрганларимни тенгдошларимга сўзлаб бераман. Биз учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирishi мумкин. Ташкил этилган спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, турли совғалар билан тақдирланганимизни ҳеч эсимдан чиқармасам керак. Турли тўғрақларда катнашиб, кўп нарса ўргандим. Янги дўстлар орттирдик.

Бону Солиева, Тўрткўл туманидаги 33-мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

— Ранг-баранг тадбирлар, тўғрақлар, спорт мусобақалари бизларнинг жону дилимиз бўлди. Насиб этса келаси йилда ҳам оромгоҳга келишни мақсад қилдим. Тарбиячилару оромгоҳ раҳбарлари олам бизларни жуда яхши қутлиб олишди ва дам олиш туғагач, кузатиб қўйишди. Ҳаммаси зўр.

Анвар Саъдуллаев, Тўрткўл туманидаги 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси:

— Энг эсда қоладигани бас-сейнда мазза қилиб чўмилганимиз бўлди. Кутубхонада қизиқарли китоблар жудаям кўп экан. Улардан кўп нарсаларни ўрганиб олдик. Бизлар учун байрамлар уюштирилди, яйраб ўйнадик. Гуруҳлараро ўтказилган футбол мусобақасида фахрли биринчи ўринни олиб, ғолиб чиқдик.

Болажонлар бир олам таассуротлар билан Ўзбекистон темир йўллари АКнинг «Тошкент — Қўнғирот» йўналиши бўйича жўнаб кетишди.

Нарзулла МАҲАМОВ

